




Янги аср мамлакат учун янгилаш ва тараққиёт даврига айланишига ишонамиз. Шу боисдан ҳам мустақил юртимизнинг ёруғ истикболи учун барчамиз ҳамжихат бўлиб курашайлик. Мақсадимиз Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ва келажак авлоднинг бахт-саодатидир. Мамлакат тақдири, сизу бизнинг тақдиримиз фақат ўзимизга, ўз меҳнатимиз ва ақл-идрокимизга боғлиқ.

(Олий Мажлисининг Ўзбекистон халқига мурожаатидан)

ХУҚУҚИЙ ОНГ БОЛАЛИКДАН ШАКЛЛАНАДИ

Андижонликлар яна бир ибратли ишни бошлаб бердилар



Шу йилнинг 14-15 декабрь кунлари Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессияси бўлиб ўтди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Парламент сессиясида Олий Мажлисининг Ўзбекистон халқига Мурожаати қабул қилинди.

Шунингдек,

Олий Мажлис депутатлари томонидан «Бюджет тизими тўғрисида»ги, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги, «Судлар тўғрисида»ги, «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳофазаси тўғрисида»ги, «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги, «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги, «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

Олий Мажлис депутатлари томонидан «Прокуратура тўғрисида»ги, «Мудофиа тўғрисида»ги, «Махсус юрлар ва ҳарбий таркиблар транзити тўғрисида»ги қонун лойиҳалари биринчи ўқишда маъқулланди.

Сессия ишида шунингдек, мамлакатимизнинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, бир қанча халқаро шартномалар ва конвенциялар ратификация қилинди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари, Олий Мажлис Кенгаши қарорлари тасдиқланди, баъзи қўмиталар таркибига ўзгартиришлар киритилди.

Олий Мажлис ваколат мuddати тугагани муносабати билан Ўзбекистон Конституциявий суд судьяларини сайлади. Суд раиси этиб Б. Эшоннов сайланди.

Парламент Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳужалик суди таркибига ўзгартиришлар киритди.

Шу билан иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг IV сессияси ўз ишини якунлади.



«ХУҚУҚ» —
халқимизга халқаро

ОБУНА
2001

XXI асрнинг ilk йилида ҳам «Хуқуқ» газетаси ва «Қонун ҳимоясида» журнали ҳар бир хонадонга кириб борсин, Сизлар билан ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамлансин. 2001 йил учун нашрларимизга обуна давом этаятганлигини яна бир бор эслатиб ўтамиз: «Хуқуқ» ва «Қонун ҳимоясида» — бу Сизнинг минбарингиз. Бу — мустақиллик минбари.

Индексларимиз:

«Қонун ҳимоясида» — 839, 840.

«Хуқуқ» — 231, 232.

ВАЗИРЛАР Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида вилоят прокуратураси ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабабларини атрофлича чуқур таҳлил қилди. Ёшлар, ўсирилар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш тадбирлари тузилди. Шу мақсадда вилоят прокурори У.Шамсиевнинг фармойиши билан ишчи гуруҳи ташкил этилди, унинг режаси тасдиқланди. Жумладан, режада Пахтабод туманида вояга етмаган ёшларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш, таълим-тарбия ишлари ва шароитларини яхшилаш ва бу амалиётини вилоят миқёсида тадбиқ этиш кўзда тутилган.

Ўтган шанба кuni шаҳар ва туман ҳокимликларининг ушбу соҳага масъул ўринбосарлари, шаҳар ва туман прокурорлари, халқ маорифи бошқармаси ва бўлимларининг мудирилари, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ходимлари, ИИБларнинг вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича нозирлари Пахтабод туманига тақлиф этилди. Семинар мобайнида улар туман ҳокимлиги ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ўзаро ҳамкорликда олиб бораётган ишлар билан танишдилар.

Яқинда ўтказилган текширишда туман «Мурувват уйи» да бир қатор қонунбузарликлар аниқланган эди. Вилоят прокуратураси уларни бар- тараф этиш учун тегишли прокурорлик таъсир чораларини қўллаш билан чекланмасдан, «Мурувват уйи»ни таъмирлашда, ота-она меҳридан бебаҳра болаларнинг ўқиган дилларига малҳам бўла оладиган, яхши таълим-тарбия олиши учун барча шарт-шароитларни муҳайё қилишда бош-қош бўлди. Семинар қатнашчилари давр талабларига монанд жиҳозланган синф хоналари, спорт зали ва ётоқхоналарни кўздан кечириб, ўз шаҳар ва туманларидаги билим даргоҳларини ана шу даражага келтириш учун зарур йўл-йўриқларни олдилар.

Президентимиз таъкидлаганларидек, болаларга боғча ёшидан бошлаб қонунларни, ҳуқуқларни ва жамият олдидаги мажбуриятларини ўқитиб-ўргатиб бориш лозим. Вилоят ва туман прокуратураси саъй-ҳаракатлари билан 1-ўрта мактабда ўқувчиларни Миллий истиклол ғоялари, она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш мақсадида «Конституция нормалари ва амалдаги қонунларни ўрганиш хонаси» ташкил этилди.

Ўқув дастурларига қўшимча равишда туман ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари навбат билан ушбу хонада ҳуқуқ мавзуларида дарс ва амалий машғулотлар ўтказиш-япти. Хона қонунлардан олинган лаваҳалар, суд процесси учун суд залидаги каби жиҳозлар билан таъминланди. Ҳуқуқ дарслари ўз йўлига, лекин ўқувчиларнинг ўзлари судья, айбловчи, адвокат, жарбланувчи, судланувчи, гувоҳ тарзида машғулот ўтказишлари ҳақ-ҳуқуқларини таниб олишда, жамият олдидаги бурчларини бевосита ҳис этиш-ла-

рида катта аҳамият касб этади. Семинар қатнашчилари ўз шаҳар ва туманларидаги мактабларда ана шундай хоналарни ташкил этишга келишиб олдилар.

Семинар йиғилишида вилоят ҳокимининг ўринбосари К.Убайдуллаев, вилоят прокурорининг ўринбосари Н.Қурбонов, туман ҳокими О.Раҳимов вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг сабаблари, уларни бартараф этишда таълим-тарбия, хусусан, ҳуқуқий таълим-тарбиянинг савиясини ошириш борасида фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

— Президентимиз «Оила йили»нинг мантиқий давоми сифатида келгуси йилни «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилиб, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари зиммасига масъулиятли вазифаларни юклагилар, — деди вилоят прокурори У.Шамсиев. — Шу жумладан, ёшлар тарбияси, уларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш, ҳуқуқбузарликдан асраш прокуратура идораларининг муҳим вазифасидир. Ёшлар, ўсирилар ўртасида ҳуқуқбузарлик қонунларни билимасликдан келиб чиқади. Мутасадди идоралар билан ҳамкорликда ҳуқуқий таълим-тарбияни юқори поғонага кўтаришимиз лозим. Пахтабод туманидаги семинарни ана шу мақсадда ташкил қилдик. Вилоятнинг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам ҳуқуқий таълим-тарбияни ана шундай усулда йўлга қўйишни қўзғаламиз.

Андижон вилоят прокуратурасининг бу ибратли иши барча вилоятларда қўллашга арзийди.

И. ИСРОИЛОВ,
«Хуқуқ» муҳбири

Ушбу сонда

Бир кuni тасодиф туфайли дадамнинг таъинишлари билан бўлган суҳбатларини эшитиб қолдим...

«ОТА»

5 - бет

75 ёшли президент тинчликни сақлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари учун Нобель мукофотида сазовор бўлди.

«ПРЕЗИДЕНТ НОБЕЛЬ ЛАУРЕАТИ»

7 - бет

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi
prokuraturasi,
Toshkent shahar va Toshkent
viloyati prokuraturalari,
«Qonun himoyasida»
jurnali

Bosh muharrir:

A.ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Botir Pol'tobov,
Baxtiyor Nazarov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Dilshod Islomov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Zayniddin Mamadaliev

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34

E-mail: huquq@mail.Uz.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma
va suratlar egalarga
qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.
Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta andozasi tahririyat
kompyuter markazida
Pentium-II MMX - 333
kompyuterida sahilalandi.
Sahifalovchi B. SAIDOV
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
konserni bosmaxonasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Taron ko'chasi, 41.

Buyurtma Γ - 1149
Nusxasi — 12720

Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00
Bosmaxonaga
topshirildi

Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi

Naybachi muharrir
N. NISHONOV
Naybachi N. MAHMUDOV
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

УЧРАШУВ

ҲАМКОРЛИК

КЕЧА Республика Прокуратураси қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш марказида Америка юристлар ассоциациясининг бир гуруҳ вакиллари билан «Дастлабки тергов ва жиноят ишлари суд процессига тайёрлаш ҳамда жиноят ишларини судда қўриб чиқишда прокурор ваколатини амалга ошириш» мавзусига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Мазкур учрашувга Америка юристлар ассоциацияси томонидан ассоциациянинг Ўзбекистондаги вакили Эллит Алхидеф, Дастур ассистенти З.Мамуров, ассоциация юристи ва таржимони Нагай Марина, психолог И.Пономаревалар таширф бўюди.

Учрашувда малака ошириш маркази директори Ф.Раҳимов, директор ўринбосари Ф.Шодмонов, марказ катта ўқитувчиси Ф.Назаров, шунингдек, Республика транспорт, ҳарбий прокуратуралари, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти прокуратураларининг Судларда жиноят ишлари қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлимлари бош-ликлари иштирок эттиди.

Дўстона вазиятда ўтган томонлар учрашувда ҳуқуқ-тартибот, ҳусусан, прокуратура ва суд идоралари фаолияти ҳусусида ўзаро фикр алмашилди ҳамда келгусидаги ҳамкорлик режалари ишлаб чиқилди.

Учрашувда иштирок этган меҳмонлар Респуб-лика Бош прокурори ўринбосари П.Бобоқонов қабулида бўлишди.

(Ўз мухбиримиз)

ТАДБИР

ЭКСТРЕМИЗМ
КОНСТИТУЦИЯГА ТАХДИДДИР

ДИНИЙ экстремизм, терроризм ва ислом фун-даментализми нафақат республикаимиз, балки бу-тун дунё таракқиётга таҳдид солувчи иллат, хавф-хатар сифатида шаклланиб бораётгани унга қар-ши жиддий кураш олиб боришни тақозо этмоқда. Маълумки, Хоразм вилояти ҳудудида ҳам экстремистик оқимларга мансуб шахслар томонидан бир қанча оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этил-ди.

Қисқа фурсат ичида экстремистик ҳаракат-ларнинг ҳар қандай қиринишига барҳам бериш, содир этилган жиноятларни фож килиш борасида муайян тажриба ва малака тўпланди.

Республикаимиздаги ижтимоий-сиёсий вазият-дан келиб чиқиб вилоят прокуратурасида 1999 йилнинг август ойида «Хоразм вилоят ҳуқуқни му-ҳофаза этувчи идораларининг диний экстремизм, терроризм ва ислом фундаментализмига қарши кураши бўйича Маркази» ташкил этилди. Унда вилоятда диний экстремистик оқимларга мансуб бўлган, жинсий жавобгарликка тортилган ёки му-ҳокама этилган, қузатувда бўлган шахслар ҳақидаги тезкор-қидирув тадбирлари натижасида тўплан-ган хабарлар йиғилиб қўрилмоқда. Шунингдек, экстремистик руҳдаги адабиётлар, варақа, аудио ва видеоасмаларга ёзилган турли маърузалар,

улар бўйича ўтказилган экспертиза ҳулосалари-нинг нусхалари ҳам тўпланмоқда. Бундан ташқа-ри, марказ қошида содир этилган оғир ва ўта оғир жиноятларни тергов қилиш, зудлик билан воқеа жойини қўздан кечириш, далилий ашёларни олиш ва мустаҳкамлаш юзасидан 2 та тергов гуруҳи фаолият қўрсатмоқда. Марказ махсус хона, замо-навий техникалар билан таъминланган. Бундай марказлар барча туман ва шаҳар прокуратурала-ри ва ички ишлар бўлимларида ҳам ташкил этил-ган.

Сир эмаски, айримларнинг ҳар хил оқимлар таъсирига тушиб қолишига ишсизлик ҳам сабаб бўлмоқда. Шуларни ҳисобга олиб, вилоятимизда ижтимоий муаммолар ечими прокуратуранинг до-имий назоратига олинган. «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонун, Вазирлар Маҳма-масининг кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиб-лари белгилаб берилган қарорлари ижроси юза-сидан умумий назорат тартибда текширишлар ўтказилиб, прокурорлик таъсир чоралари қўрил-моқда.

Орифжон ҲАЙИТБОЕВ,
Хоразм вилоят прокурори
ўринбосари

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Истеъмолчилар ҳуқуқининг бузилишига оид дилхиралликларга ҳар бир киши дуч келса-да, бу борадаги ҳуқуқи поймол этилганиги ҳусусида айрим фуқароларгина даъво қилишга журъат этадилар. Чунки, фуқароларнинг аксарияти ўз ҳуқуқларини билмайди. «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ҳақида умуман тасаввурга эга эмаслар. Шундай қонун борлигини билган, уни ўқиган кишилар ҳам қонунда белгиланган ҳуқуқларини рўйғога чиқариш механизмларидан беҳабар бўлганлари учун тақдирга тан бериб кетаядилар.

Ушбу қонун ижроси бўйича назорат юриштиш ваколати вилоятлардаги монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бош-қармасига юкланган. Биз Фарғона вилоятидаги мазкур бошқарма инспектори М.Ҳасимов билан жойларда ушбу қонунга қандай амал қилинаётганини кўришга отландик.

ФАРҒОНА шаҳридаги «Саддам» фирмаси озиқ-овқат дўконининг нон маҳсулотлари бўлимида буханка нонининг нарх ёрлиги йўқ эди. Со-тувчи Х.Тожибоева харидор аёлга чек бермади. Пулни касса аппара-тига солмади.

«Нега чек бермадингиз?» деган-нимиздан кейин ёрдамчисига ай-тиб, кассага чек «урдириб» берди.

— Бир буханка нон, икки дона булочкани 115 сўмга олдим, — дей-ди Р. Куприянова. — Чекини эса бергани йўқ.

Холисон опа савдо пулларини шу кун ичигида касса аппарати-га солмай, пештахта ичига ташлаб қўяётган эди.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида қонуннинг 10-моддасида «Олди-сотди олмаг-ла» оширилганда истеъмолчи касса ёки товар чеки бериладиган. Товари касса ёки товар чекини бермасдан сотиш таъқиқ-ланади», деб белгилаб қўйилган. Агар харидорда олган товарнинг сифати, би-рон бир нуқсонига эътироз тутилса, уш-бу чек сотувчидан изох талаб қилиш учун ҳужжат ўрнига ўтади. Ҳозир буханка нонлар, айниқса, хусусий фирмалар ёки яширин цехларда чиқарилаёт-ган буханка нонлар нархи тобора қимматлашиб, вази, тўйимлилик меъёри эса «енгиллашиб» бораёт-гани сир эмас. Давлат стандарт-талабларига жавоб бермайдиган оп-пок, пахтақандан енгил нонларнинг ичи мушт сиккудек ковак бўлса ҳам бунинг учун жавобгарни топиб бўлмас.

Бу қилиш на юк хати, на олди-сотди келишуви ёки шартномаси, на нарх ёрлиги бўлмаган буханка нонлар одамлар гажуки чўчаларда, бозорларда, кўча пештахталарда сотилади. Фарғона «Деҳқон бозо-ри»да ана шундай сотувчидан нон

ҚОНУНГА
НЕГА РИОЯ
ҚИЛИНМАЯПТИ?

каерда ишлаб чиқарилганини сўра-дик. «Марғилондан. Машаадан оп-теганман», — деди ўзини Санжар Ўринбоев деб таништираган бола. Лекин аниқ манзилини айтишдан бош тортиди. Биронта ҳужжат кўрсатмас-дан, «Текширишга рухсат борми?», деб «қарши» ҳужумга ўтди. (Ўқол-ки, «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда ҳар бир харидорнинг мол-товар тўғрисида тўла маълумот олиш ҳуқуқи кўрсатиб қўйил-ган) Рухсат этилаётган текшириш-лар ўтказиш қонун-қоидасини бил-ган «тадбиркор» кўрсатилмаган жойда, патент ёки лицензия олма-дан савдо қилиш мумкин эмасли-гини ҳам яхши биларди. Уни «Деҳ-қон бозори» ҳудудидида солиқ қил-раси таянч пунктга тақлиф қил-ганимизда сотиб бўлишга улгурма-ган 6 буханка нонни шеригининг қўлига тутташиб, уни қочириб юб-оришга уринди...

Ҳўш, бундай ҳолларда сотиб олган нони ачиган ёки ковак чиққан истеъмолчи ҳаққини қимдан талаб қилсин?

Қувалик хусусий тадбиркор А.Фа-ниев Фарғона шаҳар «Деҳқон бо-

зори» ташқарисида савдо қияпти. Биронта буюмда нарх ёрлиги йўқ.

— Мана шу ботинка қанчага ярай-ди?

— Кийишингизга қараб-да!

— Кафолат мuddати қани? Иш-лаб чиқарган қорхонанинг сифат бел-гилари нега йўқ?

— Ҳе, — деб қулади у. — Тошкен-тдан улгуржи бозордан оқеламиз. Хужжатларини сўрасангиз, «бор, тошингни тер», дейишади.

— Ҳўп, харидорга чек йиртиб бер-майсишларми?

— Кўчма пештахтада касса қўйил-майди...

аниқланиб, мижоз ушбу суммани тўлашга розилик билдирган. Оддий арифметик ҳисоблар ҳам жаноб Д.Тошматов ҳисобхонасида ишлаёт-ган юлғичларни ҳимоя қилиш мак-садида солиқ жавоб бераётганини кўрсатади. Июнь ойида сўзлашув нархи етти марта ошмаган бўлса керак? Ҳамма нарсага қўнаверадиган мижозлар эҳтимом компьютер «адашиб» ортиқча ҳисоблаётган 40-45 минг сўм ёлғон тўловларни ҳам тўлашаётгандир? Истеъмолчи ҳуқу-қининг яна бир бузилиши — бу ми-жоз хизмат ҳаққини ўз вақтида тўло-ли олмагани учун телефон қўйилди.

Лекин бир оими, икки оими ишлом-ётган телефон учун ҳақ ёзиловари. Мижоз телефондан фойдаланмаган пайтлари учун ҳам ОТАЖга ҳақ тўлашга мажбур! Агар ОТАЖ моно-полист бўлмаганда, мижозларнинг таллаш имконияти бўлганда уни сал бўлса-да, ҳурмат қилишарди. Ҳозир эса...

Фарғоналик Я.Хан шу йил ок-тябрь ойида «Универсам» магази-нидан 95 минг сўмга аёллар чарм куртқасини сотиб олганди. Сотувчи унга чек бермади. Колаверса, курт-қанинг на артикули, на бошқа мах-сулот белгилари бор эди. Қўзи хи-рарок кўрадиган аёл бир ой ўтиб, куртқани ишга қийиб борганида ҳам-касблари енгиларида ранги ўчган жойларини кўрсатишди. Аёл курт-қани сотувчи У.Аҳмадбековга олиб бориб, ё алмашириб, ё пулни қай-тариб беришни сўради. Бирок, со-тувчи бир ой ўтгани учун алмашти-ришдан бош тортиди. «Истеъмолчи-лар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғриси-да»ги қонуннинг 9- ва 13- моддала-рини бузган У.Аҳмадбеков, ҳудудий бошқарма харидорнинг аризасини қўриб чиққан, пулни қайтариб бе-ришга мажбур бўлди.

Афсуски, фуқаролар истеъмол-чилик ҳуқуқларини талаб қилаётган бундай ҳолатлар кўп эса. Судларда эса, жумладан Фарғона шаҳар судида истеъмолчилик ҳуқуқини тиклошга оид биронта ҳам фуқаролик иши қўрилгани йўқ.

Фуқаролар ушбу қонунни яхши билиб олмагунларига қадар у иш-ламай, ҳаракатсиз қолаверди. Қо-нунда истеъмолчиларнинг уюшма-ларини тузиш ҳуқуқи ҳам белгилан-қўйилган. Бундай уюшмалар қонун-ни татбиқ этишга хизмат қилган бўлур эди.

Исроил ИБРОХИМОВ,
«Ҳуқуқ» мухбири

ҲАЯЖОН

— Мен уларни севиб қолдим, — дейди қора соқолли йигит, режиссёр.

— Уларнинг қилган жиноятларини билсангиз ҳам севармидингиз? — дейман.

— Билмадим, ҳар қалай, улар билан ишлаш осон, ролни тез ўзлаштиришди.

— Бунинг сабаблари бор...

Маҳкумлар руҳияти. Бу ўзга мавзу. Гап бу ҳақда эмас. «Ўзбекистон — Ватаним меним» шиори остида жазони ижро этиш муассасалари-ро ўтказилган «Ижод — 2000» театрлашган кўрик-танловининг бирида иштирок этганимда бир олам таассурот олганман. Маданияти юксак халқни енгиб бўлмайдиган, дейишди. Тиканли сим ортидаги гунҳоқорлар шундай муъжиза кўрсатса, пок ниятли халқ сазий-ҳаракат этса нималар қила олмайдиган, олам ҳайрат бармоғини тишлаб қолмасми?!

Мана дорбоз ўйнапти. Авлодлардан авлодларга ўтиб келаятган қадимий само санъати. Полвонларини қаранг, зил-замбил тошларни олмадай ўйналади-я. Улар катта-кичик, устозу шоғирд. Фақат ўзбекларга хос, миллийлик дегани шу бўлса керак. Сўнг сахна тарафга ўтади. Улкан қошона. Сахнага «рубоб» уланган.

Давлат маҳфияси янграпти, сахнада эмас, пастда айтаётган, маҳкумлар айтаётган, меҳмонлар айтаётган. Ҳамма айтаётган. Маҳфия бу сахнада айтиладиган оддий кўшик эмас, бу муқаддас кўшик, бунинг ўзбекистон фўқаросиман деган ҳар бир инсон билиши, айтиши керак. Бу фарзандлик бурчи.

Муסיқасиз кўшик. Тўрт-беш хил овоз. Оддатда бунинг улкан санъаткорлар ижро этишади. Акапелла ишлайдими, ҳарқалай, мураккаб санъат. Катта куч, маҳорат талаб қилинади.

Муסיқа. Ажаб, доира, ногора, қарнай, труба, виолончел, кларнет, мис тарелка. Ғалати куй, бироқ марокки, ўйинлик бор-да.

Сахнада тўқиз варақли китоб. Варақланапти. Хар қайсиси алоҳида катта мавзу. Амир Темур, Инсон манфаатлари, Оила, Аёллар, Соғлом авлод...Ютуқлар акс этган. Варақлар қўйилверди. Мустақил-

лик одимлари...

«Мен нечун севаман Ўзбекистонни?» кўшиги. Экранда тоғларимиз, боғларимиз, кўкни баланд Юртошимиз, ёшлар шижоати, моддий ва маънавий бойликларимиз намоён бўлади. Сўнг «Муқаддас юртим, ягонасан» катта ашуласи бошланади.

Сароҳбору дугоҳ. Мозийдан келадиган бо садолар. Чироклар зулматни парчалайди. Ана, Фарҳод тоғ кеса-япти, бир ёнда маъмур деҳқон ер чапаяпти. Хув, ана чархалак айланапти. Кизалоқ суғга қўл чўзаяпти. Умр ўтаяпти. Келажак табиатдан, борлиқдан куч олапти. Ҳаётга интилиш, яшаш, ўтмишни унутмас-

қай бир маҳкумининг.

Баъзан макор аёллар содда эркакларнинг шўри бўлади. Оддий тракторчи. Кийиниши хунуқроқ бўлса ҳам қалби чиройли. У чиройли юзли аёл макрига ўқди. Болаларини қийнади, улардан воз кечди. Жаҳолат чоғига тушди. Вақт ўтиб, хатосини англади. Фарзандларини бағрига босди. Хатосини тушуниб етган киши ҳаётга қайтиши, тинч ва бахтиёр ҳаёт кечириши мумкин, ҳа, мумкин. Ушбу кўринишга уланган кетган шодон болалар рақси бунинг ана бир бор тасдиқлайди. Болалар билан гўзал оила, маҳалла, мамлакат, жаҳон.

Ўғрини қароқчи урармиш. Зўрдан

ҲАЙРАТ МУЖДАСИ

лик, яна нималарга ишоралар бор.

Ана сахнада, Амир Темур аъёнлари билан пайдо бўлди. У мўғуллар вайрон қилган Сурхон воҳасини қайтадан обод этишга фармони олиб бермоқда. Шаҳар лойиҳалари, меъморлар.

Турмуш синовлардан иборат. Шуларни енгиб ўтолган кишигина ҳаёт лаззатидан баҳраманд бўла олади. Таниқли ёзувчи Ўткир Хошимовнинг «Хиёнат» асари ўқилмоқда. Ака уқани алдади. Мактабда ўртоғи тўхмат қилди. Талабалар қўли билан аса дўсти, севгилиси хиёнат қилди. Ҳаёт алдовлардан иборат, деган хулосага келиб, тўғри йўлдан чиқай-чиқай деганда, она овози келади. «Болам, сен ҳеч қимми алдама!» Алла янграйди. У беғубор, она сўтидай тиниқ, шифобахш. Ғазабдан тушади. Адолат ва ҳақиқатга ишонч қасланиб қолади, у инсон бўлиб қолади. Юракларга эзгулик уруғини сочувчи она алдаси... «Омон-эсон муддатимни ўтаб, озодликка чиқсам, албатта онамга алла айтирмаман, сўнг бу йўлга ҳеч ҳам қирмайман» кўнглидан ўтади

зўр топилади. Сен бировни алдасанг, сени биров алдайди. Эгри йўлдан юрганнинг бири икки бўлмайди...Бир сахна кўринишидан шундай хулосалар чиқариш мумкин.

Мустақиллик йилларида юртимиз спортнинг довуғи оламга кетди. Баланд бино устида бир-бирларини кўтариб, Мисрдаги каби эҳром ҳосил қилишди. Энг баландда юртимиз байроғи, мағрур хилпирайди. Қўйил.

Яна сахна қўйлади. Юртимиз омонини мусаффо бўлса бас, турли ганимлар ҳаётимизга раҳна солмас, биродарқушиқ бўлмаса бўлди, ютуқларимиз кўпаяди. Одамлар, оғоҳ бўлинг, турли фитналарга учманг. Бахтимизни кўролмайдиганлар биллиб қўйсин, ўзбеки ҳеч қим энголмайди. Унинг белида белбоғи бор. Белбоғ ҳақида кўшик ва рақс шуни тарангум қилади:

Белбоғим белимда бўлса,
Бекларга етгай қувватим.
Белқарсим белимни тўтса,
Оламни тутгай ҳаёбатим!

Довуд МАҲДИЙ

ТАҲРИРИЯТ ХАТКУТИСИДАН

•Муносабат

РАМЗИЙ МАЪНО БОРДЕК

Ассалому алайкум, ҳурматли таҳририят ходимлари. Рўзномангизнинг «Хуқуқ» деб номланишида ҳам рамзий маъно бордек.

Сизлар хат ортида инсон тақдирини, қадр-қиммати турганлигини касбиятига хос зийраклик билан илғаб олиб, муносабат билдирасизлар. Мен ҳам сизларга бир муаммоли масалани ҳал қилишда ёрдам сўраб мурожаат этганим. Таҳририят ходимларига ўзим ва оилам номидан миннатдорчилик билдираман. Сабаби, сизларнинг ёрдамларингиз туртки бўлиб, масала ҳал этилди.

Айтишларича, ҳар бир яхшилик, хайрли ва савобли иш муносиб тақдирланганда, тан олинганда, эътироф этилгандагина эзгуликка кенг йўл очилар экан. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Бекобод тумани прокурори А.Маҳмудов, туман ички ишлари бўлими ходими М.Усмоновнинг менга ва оиламга кўрсатган ёрдами учун катта раҳмат айтаман.

Б. ОРЗИЕВ, 1 гуруҳ ногирони

•Истак

ЖУШМУОМАЛА БЎЛАЙЛИК

Мен 3-гуруҳ ногирониман. Шу йилининг 21 ноябрида йўланма билан Тошкент шаҳрида жойлашган «Миллий реабилитация» марказига бордим. Йўланма Ангор туманидаги 1-сонли ТМЭКдан берилган. Унга кўра менга бел умуртқалари остеохондрози ва ўнг оёқ камқонлиги фалажидеган таъхис қўйилган.

Марказда мени илқ қўтиб олишди. Ўзоқдан келганлигим боис бошиқ-аларга нисбатан тезроқ қабул қилишди. Кўриқдан ўтиб, анализлар топшира бошлаганим. Бироқ бош шифокор ҳужжатларим билан танишиб чиқиб, мени бу ерга нотўғри қабул қилишганини айтди. Хўшас, ҳамшира қиздан ҳужжатларимни олиб, улар айтган манзил - Республикада ижтимоий таъминот вазирлигига қарашли таянч нуқтаси, яъни реабилитация марказига йўл олдим.

Бу ерда беморларни аслада соат 12 дан бошлаб қабул қилишлари керак экан. Бироқ афсуски, соат 14 бўлса ҳамки, ҳол сўрайдиган бирор киши топилмади. Нисоят марказнинг бошлиғини, унинг муовинини, бизни қабул қилиб, ҳужжатларимиз билан танишиб чиқди. Сўнгра ким кетиши, қимларнинг қўтиб туришини айтиб қўйиб бўлди. Вақт эса ўтиб боради. Тиббий куриқдан ўтказадиган ҳақимлардан эса дарак йўқ. Тоқатим тоқ бўлиб, бошлиқнинг олдига кириб, ўзоқдан келганлигимни, кеч тушиб қолса борадиган жойим йўқлигини айтдим. Аҳволимни тушуниб шеклили, Алишер Сатторов деган марказ мудирини чақириб, кўриқдан ўтиш учун йўланмага қўл қўйиб берди.

Мудир «жаноб»лари ҳужжатларга қўл қўйдириб келишни топширди. Яъни, шифокорлар ва марказ бошлиғига қўл қўйдириб, тиббий қартамга йўланма ва маълумотномаларни текшириб мудирга урчишишимни айтди. Охири ҳамки ҳужжатлар тахт бўлгач, яна мудир А. Сатторовга учрадим. У сўраб-суриштиргач, шифохонада жой йўқлигини маълум қилди.

Алам қилар экан, қўлингда йўланманг бўлатуриб, бунинг устига ногирон ҳолидада қўчанда қолсанг. Айниқса, А.Сатторовнинг менга меҳмонхонада ётиб мўлажжа олишни тавсия қилгани ҳаммасидан ўтиб тушди. Кейинги пайтда бу каби марказлар қўлайиб бормоқда. Уларнинг сони ортгани яхши, албатта. Аммо хизмат маданиятини юксалтириш ҳақида ҳам иш олиб бориш керак эмасми?

Қисқаси, инсон саломатлиги йўлида меҳнат қилишни истаган кишида энг аввал ўз касбияга меҳр ва фидойилик зарур, деб биламан. Умидим, шундайлар қўлайсин.

Тўрабой ХЎШНАЕВ,
Сурхондарё вилояти, Ангор тумани

•Жавоб

ТЕЛЕВИЗОР ОЛИБ ШИКОЯТ ЁЗМАЙДИГАН БЎЛДИ

Ургут тумани «Амир Темур» номи ширкат хўжалигида яшовчи Бўсаро Ўсарованинг аризаси кўриб чиқилди.

Ариза мўаллиғи ва унинг ўғли У.Омонов илгари ҳам ширкат хўжалиги бошқаруви устидан бир неча мартаба аризалар билан мурожаат қилишган, аммо уларнинг важдари тасдиқланмаган.

Жўмладан, мўаллиғи ўз аризасида ширкат хўжалиғи «Савгон» маҳалласида ариқ қазилди, деб 85 минг сўм ўзлаштирган деб кўрсатган. Текширишда маҳалладаги ариқ ҳашар йўли билан қазилганлиги ва ширкат хўжалигида бу иш тўғрисида бирон-бир ҳужжат тузилмаганлиги аниқланди.

Аризада ширкат хўжалиғи 4-бригадаси бошлиғи Раҳим Остонов 16 тонна минерал ўғит сотганини айтилади. Р.Остонов 1999 йилда минерал ўғит олмаганлиги ва 2000 йилда 6 тонна минерал ўғит олиб, бригада аъзоларига таркатганини аниқланди.

Аризада хўжалик бош ҳисобчиси ва хазиначи хўжалиқдан қарздор эканлиги кўрсатилган.

Текширишда хўжалик бош ҳисобчиси А.Абдурауловнинг 25620 сўм, хазиначи А.Саломовнинг 18570 сўм меҳнат ҳақларини ханузгача олмаганлиги аниқланди.

Б.Ўсарованинг ўғлини Х.Эсанов ва бошқалар боғлаб урганлиги ва бошқа вахларни ўз тасдиғини топмади.

Мўаллиф ва унинг ўғли У.Омонов билан суҳбат ўтказилганда ширкат хўжалиғи томонидан уларга телевизор олиб берилмагунча ариза ёзишни давом эттиришини айтди.

Ширкат хўжалиғи томонидан Б.Ўсарованинг оилавий шароити ўрганиб чиқилиб, Ватан уруши йилларида мамлакат ичкарисида фидокорона меҳнат қилиб келганлиги эътиборга олиниб, унга битта телевизор олиб берилди.

Б.САДУЛЛАЕВ,
Ургут туман прокурори



Жиззах вилояти прокуратураси туман, шаҳар прокуратуралари билан қорхона, муассаса ва ташкилотлар ўртасида хўжалик муносабатларида вужудга келаятган низолатларни судларда қўриб чиқишида прокурор ваколатини таъминлаш масаласида ҳамфиқрлик асосида ишлашни йўлга қўйган.

Суратда: вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи А. Худойбердиев ва Зарбдор туман прокурори Ш.Мардонов ва туман прокуратураси ходимлари билан бу боралдаги вазифалар ҳусусида суҳбатлашмоқда.

ЛУҚМА БОШ ҲИСОБЧИ ОППОҚМИ?

ТЕРМИЗ шаҳар халқ таълими бўлимида жуда хунуқ воқеа юз берди. Ушбу зиё бўлими раҳбари Х.Чориев ва мактабгача тарбия муассасалари омор мудири А.Пирназаров, Г.Қамолитдинов, З.Саломов, Ф.Саломов, С.Ҳайитов, Б.Орзуқуловлар «Давлат таъминот» қорхонасини омор мудири О.Қурбонов билан ўзаро тил бириктириб, 52 млн. 729 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини ўзлаштиришган. Мазкур жиноят иши юзасидан юқорида номлари келтирилган шахсларга ва шаҳар халқ таълими бўлими ҳисобчиси Х. Аллабердиевага айб эълон қилинган. Тарғов ҳаракатлари аялқачдан аяқланган.

Яна бир болалар боғчаси омор мудири Ю.Йўлдошев ҳам 822 минг сўмлик қамоматга йўл қўйган.

Энди мақсадга ўтайлик: мени бир нарсга ажаблантиради: шўнча кўнгилсизликлардан кейин ҳам ногадир шаҳар халқ таълими бўлими бош ҳисобчиси Л.Меретулова ҳеч нарсга қўрмагандек ўз лавозимида ишлаб юрибди. Қоғар бошланганидан бўён орадан саккиз ой ўтган бўлишига қарамастан унга нисбатан ҳатто маъмурий тартибда ҳам қор қўрилмаган. Гўё бош ҳисобчиға бу ишларнинг мўталоқ алоқаси йўқдек.

Чиндан ҳам шўндаймикин? Ахир, ташкилотдаги барча ҳисоб-китоб ишларини назорат қилиб бориш айнан бош ҳисобчи зиммасига юклатилади-ку?! Шўндай экан, Людмила Николаевнанинг сувадан қуруқ чиқиб кетиши адолатданми?

Меретулова ҳамон ўз хизмат вазифасига лоқайдлик билан қараб келаяпти. Биргина мисол: биздаги маълумотларга кўра 1 ноябрь ҳолатида муассасанинг кредитрол қарзи 16 миллион 454 минг сўмни ташкил этади. Шўнда 11 миллион 465 минг сўми шаҳар «Давлат таъминоти» қорхонасидандир. Бўндай ноҳуш ҳолинг сабабсини сўраганимизда бош ҳисобчи елка қисмидан нарига ўтмади. Унда мавжуд қарзларни қамайтириш бўйича ҳам ҳеч қандай аниқ фикр йўқ.

Нега унинг пишагини пишт дейдиган мард топилмапти? Эҳтимол, бу саволга мўтасадди раҳбарлар жавоб беришар.

Қ.ЖУРАНАЗАРОВ,
«Хуқуқ» муҳбири



Мен бир автомашинани ўтган йилнинг ноябрь ойидан бери ижара ҳисобида ишлатиб келмакдаман. Ушбу машинани автокорхона ўз молиявий маблағлари ҳисобидан ишга яроқли қила олмаганлиги учун мен уни ўз ҳисобимдан яроқли ҳолатга келтириб, ундан фойдаланиб келаяман. Айтиш-чи, ушбу автомашинани қанча вақтдан кейин қонун асосида менга автокорхона томонидан сотилиши мумкин?

Ушбу автомашинани қонун асосида сотиб олиш учун менга имтиёзлар берилдими? Мен ушбу автомашинанинг техник ҳолатини тасдиқловчи аризамни нотариал идора орқали тасдиқлашти олишим керакми ёки йўқми? Нима учун дерсиз? Агар корхона банкротга учраб қолса ёки олдинги раҳбарлар ишдан бўшаб кетса, корхона тўловларини тўлай олмаган тақдирда мендаги машинани тўлов ўрнида олмоқчи бўлганларида мен автомашинани қилган харажатларимни қандай исботлаб беришим мумкин?

Шунинг учун нима қилиш керак?

Раҳматилла ҒОЙИПОВ,
Жиззах вилояти

Шу каби ҳолатларга тушмаслик ва турли хил англашмаловчилик ҳамда низоининг олдини олиш учун ўзаро ҳуқуқий муносабатга (мўлк ижараси, олди-сотида ва ҳоказо) киришадиган томонлар ҳоқ юридик, ҳоқ жисмоний шахс бўлишдан қатъий назар, икки томонлама ўзаро тенг ҳуқуқли шартнома тузиш мақсадага мувофиқ. Низо келиб чиққан тақдирда ҳам уни қонуний ҳал этишда ана шу шартнома асосий ва ҳал этувчи ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Хатдан маълум бўлишича, сиз автомашинани ижара ҳисобида фойдаланишга олиб, уни яроқли ҳолатга келтиргансиз. Агар сиз олинган мол-мулкни ижарага берувчининг розилиги асосида ўз маблағларингиз ҳисобидан ахшилаган бўлсангиз, башарти шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома мuddати тугагач, қўйилган эҳтиёт қисмларини акратиб олишингиз ёки унинг қиймати тўланишини талаб қилишингиз мумкин. Лекин автомашинани шартнома шартларидан ташқари эҳтиёт қисмлар ўрнатилганингиз (агар ижарага берувчи билан бу ҳақда шартномадан ташқари қўшимча келишувга эришмасангиз) сизга автомашинани маълум бир вақт ўтгач, сотиш учун асос бўла олмайд.

Амалдаги қонун нормаларида ижарадаги мол-мулкни сотиб олишга йўл қўйилиши тўғрисида айтиб ўтилган. Киришадиган ҳуқуқий муносабатнинг ана шу қонун нормаларига мос бўлиши учун ижара шартномасида ижарага берувчи билан ижара мулкни шартнома мuddати тавом бўлган ёки у тавом бўлмасдан туриб сотиб олиш ҳақида шарт қўйиш лозим. Ушбу шартнома шартларида белгиланган мулкни сотиб олиш баҳосининг ҳаммаси тўланган тақдирда, у сизнинг мулкнингизга айланиши мумкин.

Агар ижарага олган мол-мулкни сотиб олиш шартномада назарда тутилмаган бўлса, тарафларнинг қўшимча келишуви билан белгиланиши мумкин. Бунда тарафлар мол-мулкдан фойдаланганлиги учун илгари тўланган ҳақни харид нархига қиришти тўғрисида келишувга ҳақли бўладилар.

Тарафлар ёки улардан бир йўзгаранда ҳам бу мол-мулк ижараси шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлолмайди.

Иккинчи бир ҳолат шундаки, мўлк ижарага берилётганда, агар томонлардан бири юридик шахс бўлса ва агар мuddатидан қатъий назар, ёзма равишда шартнома имзолангани шарт.

Мўлк ижарага берилётганда белгиланган мақсадларда фойдаланиш учун яроқли ҳолда ва мол-мулкка тегишли бўлган барча ашёлар ҳамда унга алоқадор ҳужжатлар билан бирга берилиши лозим.

Ижарага берилётган мўлк фойдаланиш учун бут деб ижарага берилганда ижарага берувчи топширилётган мол-мулкни ундан фойдаланишга тўлиқ ёки қисман тўққонлиқ қиладиган қамчиликларни учун, ҳатто у шартнома тузиш вақтида булар ҳақида билмаган бўлса ҳам жавобгар ҳисобланади. Агар ижарага олувчи томондан мўлк ижарага олингандан кейин бирон-бир қамчилик аниқланса, у ижарага берувчига ё мол-мулкдаги қамчиликларни теяюнга бартараф этишни ёки уларни бартараф этиш учун қилган ўз харажатларини қоплаш ёки ижарага берувчининг олдиндан оғохлантирган ҳолда, қамчиликларни ўз ҳисобидан бартараф этиш харажатларини мулкдан фойдаланиш учун тўланадиган ҳақдан чегириб ташлаш талабини қўйишга ҳақли бўлади. Агар мулкдан фойдаланганлиги учун тўланадиган ҳақ қамчиликни бартараф этиш учун қамлик қилса, зарарнинг қопланмаган қисmini тўлашни талаб қилиш мумкин.

Шартнома тузиш вақтида ижарага берувчи олдиндан айтиб қўйган ёки ижарага олувчига олдиндан маълум бўлган ёхуд шартнома тузиш пайтида ижарага олувчи мулкнинг соғлигини кўздан кечирганда аниқлаш керак бўлган қамчиликлар учун ижарага берувчи жавобгар бўлмайди.

Мен 1997 йил август ойида Зомин туман судининг ҳужжати асосан ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми «а» банди билан 12 йил мuddатга озодликдан маҳрум қилинганман.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил август ойида бўлиб ўтган сессиясида Жиноят кодексига ўзгартириш киритилиб, жуда кўп миқдордаги зарар энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан ошган тақдирда ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми «а» банди белгиланиши кўрсатилган. Лекин мен содир этган жиноят шу мод-

данинг 4-қисмидан бошқа моддасига ўзгартирилмасдан қўлиб кетди. Ушбу ўзгартириш менга нисбатан қўлланилиши керакми ёки йўқми?

Иккинчи саволим: қимлар суд маслаҳатчилири бўлиб сайланиши мумкин? Суд идораси ходимлари, яъни суд ижрочилари ёки суд қанцелярияси муdiri ҳалқ маслаҳатчиси бўлиб сайланиши мумкинми?

Ғайрат ХУЖАМУРДОВ,
махжум

Сизга нисбатан татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 29 августда бўлиб ўтган сессиясида жуда кўп миқдор деб энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан ошқ миқдори белгиланган.

АССОСИЗ НИЗО КЕЛИБ ЧИҚМАСИН ДЕСАНГИЗ

Одамлар ўртасидаги турли келишмовчиликлар нимадан келиб чиқади? Катта-кичик, турли-туман ташкилотлар ва низоъти милиция, прокуратура, суд каби ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари бош қўшгандан кейингина ҳал этиладиган бу можароларнинг бош сабаби нимада?

Албатта, фуқаролар адоватли вазиятларни юзга келтираётган ҳолатлар ҳақида мисолни қундалиқ турмушимиздан истаганча топиш мумкин. Бунинг бош сабаби битта. У ҳам бўлса амалдаги қонунларни яхши билмаслик.

Айнан шунга ўхшаш ҳолатни Бухоро шаҳрида яшовчи фуқаро А. Кошкинанинг уй-жойи билан боғлиқ фуқаролик ишида кўриш мумкин. Иш материаллариға кўра, Кошкина фуқаро М. Петросян билан 1985 йилдан буюн Бухоро шаҳри, П. Неруды кўчасидаги 9/9 уйнинг 24-хонадонидан бирга яшаб келган. Улар 1998 йилнинг август ойида бирга тинч-тотув яшашган ва қонуний никоҳдан ўтмаган бўлсалар-да, умумий рўзгор юритиб келганлар.

Уй Кошкинага тегишли бўлганлиги учун у уйни 1993 йили ўз номига хусусийлаштирган. 1994 йилда эса М. Петросяннинг ушбу хонадон рўйхатиға тишига розилик берган. Рўйхатга киришга рўхсат беришда 1994 йил амалда бўлган Низомада назарда тутилган тартибга — вақтинча ёки доимий рўйхатга қўйиш масаласини ҳал этмай рўйхатга киришга розилик берган. Лекин кейинчалик улар ўртасида ўзаро келишмовчилик юз бергач, аниқроғи 1998 йилнинг 11 августидан Кошкина М. Петросянни уйдан чиқариш тўғрисида даъво ариза билан судга мурожаат этади.

Кошкина фуқаро М. Петросян билан қонуний эрхотин бўлмасаларда, умумий рўзгор юритиб бирга яшаб келганлар. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 32-моддасига кўра М. Петросян Л. Кошкинанинг оила аъзоси, деб ҳисобланади. Унда баён этилишича, «Меҳнатга қобилиятсиз боқимандалар, шунингдек, мулкдор билан доимий бирга яшаётган фуқаролар, агар улар мулкдор билан умумий ҳўжалик юритаётган ва унинг турар жойида рўйхатдан ўтган бўлсалар, унинг оила аъзоси деб топилиши мумкин». Шундан келиб чиққан ҳолда М. Петросян Кошкинанинг оила аъзоси сифатида низоли уйда фақатгина яшаш ҳуқуқига эгадир. Чунки, Л. Кошкина у бирга яшаш ва уни уйга рўйхатга туришида розилик бериб, мuddатини

белгиланмаган. М. Петросяннинг паспортига рўйхатга туриш мuddати тўғрисида ҳеч қандай белги қўйилмаган.

Уйга эгалик қилиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи эса фақат Л. Кошкинага тегишлидир. М. Петросян уйни хусусийлаштиришда иштирок этмаганлиги сабабли у мазкур уйни айрибошлаш, ҳада қилиш, ижарага бериш каби масалаларда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

Улар ўртасида келишмовчилик келиб чиққач, Кошкина М. Петросянни уйдан чиқаришни суддан талаб қилган. Уй-жой кодексининг 74-моддасида ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки у билан доимий яшаётган фуқаролар турар жойни бузаётган ёхуд шикастлантираётган ёки ундан ўз мақсади бўйича фойдаланмаётган ёхуд турмуш қоидаларини мунтазам бузиб бошқаларнинг бир қаватида ёки бир уйда яшаш имконини бермаётган бўлсалар, оғохлантириш ва жамоат таъсир кўрсатиш чоралари натижа бермаган бўлса, бунда айбдор бўлган шахслар ижарага берувчи ёки ўзга манфаатдор шахсларнинг талаби билан бошқа турар жой бермаган ҳолда қўчириб юборилиши белгиланган. Бир қаватида бирга яшаётган шахсни қўчириш учун у шу хонадонда яшовчи бошқа шахсларнинг тинчлигини доимий(систематик) равишда бузиб, улардан бирига бирон бир тарзда тан жароҳати етказган бўлиши ва бу тегишли ҳужжатлар билан ўз аксини топиши лозим. Лекин М. Петросянни низоли уйдан қўчириш ва рўйхатдан чиқариш учун ушбу ҳолатлар мавжуд эмаслиги аниқланди.

Шу сабабли суд даъвони қўришда Кошкинанинг талабларини қаноатлантирмайдиган, даъвони рад қилиш ҳақида қарор қабул қилган.

Шу каби ҳолатларнинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик мақсадида ҳар бир фуқаро ўз ҳатти-харакатларининг оқибатини, ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш меъерини билишлари лозим. Ҳар бир инсон ўз тақдирига бефарқ бўлмасдан ҳар доим, ҳар қуни амалдаги қонун нормалари, газета ва журналларда бериб борилаётган мутахассис маслаҳатлари билан доимий равишда танишиб бориши фойдадан холи бўлмайди.

Ш. ИКРОМОВ,

Республика прокуратураси судларда фуқаролик ишлари қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокурори

Мен бир олий ўқув юртини тўғатиб, иккинчи мутахассислик бўйича бошқа олий ўқув юртига ҳўжат топширмакчи эдим. Лекин мен ҳали ҳарбий хизматни ўтаганим йўқ. Шунинг учун олий ўқув юртига ҳўжат топшираётганда мудоффа бўлишдан маълумотнома олишим керакми?

Ҳаётбек ЭРҒАШЕВ,
Андижон вилояти, Булоқбоши тумани

Агар сиз ҳарбий хизматни ўтамаган бўлсангиз олий ўқув юртига иккинчи мутахассислик бўйича ҳўжат топширишда чакирливу гувоҳнома(прписной билет)ни топшириш лозим.

Участка нозирни уйда хоҳлаган пайтда келиб, уйни айланиб кўриб чиқиши мумкинми? Чунки ақинда участка нозиримиз келиб «мен янги нозирман, шунинг учун ҳамма уйлари айланиб кўриб қорибман» деб менинг розилигимиз кўриб келди. У шундай қилишга ҳақлими?

З. ШАРОФУТДИНОВА,
Наманган вилояти

Ҳеч ким сизнинг розилигингизсиз уйингизга кириши, уни кўздан кечириши, тинтув қилиши, хат ва бошқа ёзишмаларни, телефондаги сўзлашувларни эшитиши, қонунда назарда тутилган ҳўллар ва тартибдан ташқари уларни ошкор этиши мумкин эмас.

Конституциянинг 27-моддасида: «Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган таъжовулардан, шахсий ҳаётига аралаштишдан ҳимояланганига ва турар-жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга» дейилган. Ушбу қонун талабини бузганлик фуқаронинг конституцион ҳуқуқларига таъжовуз қилиш, деб баҳоланиб қонунда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин.

Қонунда назарда тутилган ҳўлларга сўриштирувчи, терговчининг турар-жой ёки ўзга бинода иш учун аҳамиятли нарсас ёки ҳўжатлар бор деб ҳисоблаш учун етарли асослар бўлган ҳўллар киради. Бунда сўриштирувчи, терговчи ўзининг асосланган қарорин ва прокурор санкцияси асосида турар жойга кириши ва у ерда процессуал ҳаракатларни амалга ошириши мумкин. Лекин айрим кечиктириб бўлмайдиган (масалан, жиноят содир этган шахс қочиб шу жойда яшириган ёки иш учун аҳамиятли бўлган нарсас ва ҳўжатларнинг мавжуд бўлиши(бунинг учун етарли асослар бўлганда) ҳўлларда тинтув уй-жой ёки ўзга бинода прокурорнинг санкциясиз ўтказилиши мумкин. Аммо уни ўтказган шахс 24 соат ичида прокурорни бу ҳақда хабардор қилиши лозим.

Уй-жой ёки ўзга бинода ушбу ҳаракатлар нисбта ҳолис иштироида ўтказилади ва бу ҳақда баённома тузилади.

Саҳифани Дониёр Халилов тайёрлаган

НУҚТАЙ-НАЗАР

«Зардоли ниҳолни экинidan олдин унинг қандай данакдан униб чиқганини билишингиз керак:

Ачиқ мағизлими, чучук мағизлими?

Билмасангиз, ниҳол дарахтга айланиб, мева берганидан сўнг пушаймонда қоласиз. Яъни, мағизни хуш кўрадиганларга қийин бўлади. Шўр данакни яхши кўрганларга ундан ҳам қийин. Агар болани шу зардоли ниҳолга қийсасак, янада қийин!»

Азим СҮЮН

УШБУ мақолани ёзишга анча тараддудландим. Очиғи оталар ҳақида сўз айтиш анча мушкулдек туюлди менга. Сабабини негадир тушунтириб беролмайман. Келинг, яхшиши бўли оқдйроқ қилиб оталарнинг салобати босишига йўйиб қўяйлик. Балки аслида ҳам шундайдир...

Бир кун тасодиф туфайли дадамнинг танишлари билан бўлган суҳбатларини эшитиб қолдим. У киши марҳум бобом — оталари ҳақида хотирлар эдилар. «Отанинг қандайдир ўзгача салобатлари бор эди. У киши бизни ҳеч қачон уришмаганлар. Бироқ нима учундир биз танбех берарли иш ҳам қилмасдик. Ҳеч қачон бизга қаттиқ гапирмаган инсондан негадир ҳайқардик.

... Мен бирор марта фарзандимни отанинг олдида қўлга олиб ўйнатмаганман. Сабабини билмайман. Ёдимда бир кун оғайнилар билан отамлашиб бироз кўпроқ ичиб қўйиб, уйга келдим. Дарвозадан кирсам, эндигина оёққа кирган ўғлим пилдираб қаршимдан чиқди. Зақим келиб даст кўтардим, осмонга бир-икки иргитиб ўйнатдим. Бир пайт кўзим сал нарида жилмайганча мени кузатиб турган отамга тушди.

Бир лаҳза ўзимни йўқотиб қўйдим. Сўнг болани шарт ерга қўйиб, юрганча уйга кириб кетдим. Аниқ эслайман, ўшанда бир неча кун отанинг қўзига қўйиномай юрдим».

Дадам ҳикоясини яқунларди-ю, менинг кўзим олдида ўз фарзандимни у кишининг олдида неча бор эркалаб, суйганим бирин-кетин келаварарди. Балки...

АБЗИ БОБО

Маҳалламизда бир қария яшарди. Уни ҳамма Абзи бобо деб чақирарди. Бу унинг асл исмими ёки шунчаки одамлар қўйган лақаби, менга қоронғу. Шуниси аёнки, Абзи бобо ёлғиз яшарди. Унинг гавдаси ёшига нисбатан жуда кичкина эди. Баъзилар: «Бу одамни ҳам адо қилган, ёлғизлик уни шу ҳолга келтирган, ёлғизлигида бу чол алоқмат, ҳушсураб бир йигит бўлган экан», дея у ер-бу ерда пичирлашиб қолишарди. Балки ростдан ҳам шундайди. Фақат менга аёни: у киши уруш кўрган. Аммо у ёлғиз эди. Балки ёлғизлик туфайли жуссаси кичрайиб қолгандир. Кейинчалик эшитишимча, унинг фарзандлари бор экан. Фақат улар «ота юртларини» жўнаб кетишган, қизик, синопат... негадир оталарини унуттишган эди. Шундан бери Абзи бобо икки қаватли уйда ёлғиз яшайди.

Аниқ эслайман, бу кекса отахон уйи олдидаги ўриндада ўтириб, кўчанинг ёш-яланг болакайларини атрофига тўплаб суҳбат қўрарди. Четдан кузатган киши унинг бу мулоқотлардан нақадар завқ олаётганини юз-кўзларидан, кичкина жуссасини бўлакча, бутун гавдасини селкиллабти хандон отишларидан билиб оларди.

Туман газетасида ишлаб юрган кезларим Абзи бобо ҳақида ёзишни режалаштириб юрдим. Негадир бунга ҳеч қўлим тегмади. У билан ҳаёти, оиласи, фарзандлари ҳақида суҳбат қўрмоқчи, ҳатто мақолага «Абзи бобо» деб сарлавҳа ҳам ўйлаб қўйгандим. Афсуски... Кўнларнинг бирда у кишининг вафот этганини эшитиб қолдим. Ўзимдан ўзгича хафа бўлиб кетдим.

Абзи бобонинг дафн маросимидо одамлар кўп бўлди. Дарвоқе, бир йилча бурун унинг уйига бир ўзабек оиласи кўчиб ўтган эди. Охири пай-

тда ботоблиги туфайли ўрнидан туролмай, тўшакка михланиб қолган Абзи бобонинг иссиқ-совуғига ана шу оила яради. Унинг дафн маросими, барча маъракаларини ҳам шу оила ўтказди. Уни сўнгги манзилга ҳам маҳалланинг ўзи кузатиб қўйди. Балки кейинчалик фарзандлари келгандир, лекин мен фарзанд бўлатуриб, кекса отасини ёлғиз ташлаб кетган, бирор марта бўлса ҳам ҳолидан хабар олмаган, қўйингки, ҳеч бўлмаса ўлгандан кейин ҳам қабрига бир сижим тупроқ ташлашга ярамаган бундай фарзандни нима деб аташни билмайман.

Абзи бобонинг тақдирини мени «Қаришлар уйи»даги фарзандлари тиррик кекса отахонлар, оналар ҳақида ўйлашга мажбур этади.

Аслида-ку, қариялар уйи мавжудлигининг ўзидек миллатимизга хос бўлмаган ҳол. Негаки ҳеч қимийўк, боқувчисини йўқотган қариялар билан бирига, фарзандлари бўла туриб бу ерда умр кечираётганлар ҳам бор. «Бизнинг миллатда ота-оналар кексайишганда уларни қаровсиз қолдиришмайди. Аксинча, уларнинг розилигини олиш, ҳаёт тажрибаларидан сабоқ ўрганиш фарзандларнинг муқаддас бурчи саналади» қабилидаги гаплар билан ўзимизни кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Аммо баъзан бунинг акси бўлаётгани жиддий бош қотиришимиз кераклигини кўрсатади.

Халқимизда «Нима эксанг, шуни ўрасан» деган нақл бор. Ёхтимол, уругини экишга экиб, унинг парваришига келганда камчиликка йўл қўяётгандирмиз.

ОНАЛАР МАЖЛИСИ

Ўқувчилик давримда «Менинг онам» мавзусида иншо ёзганим ёдимда. Ҳатто бу ҳол бир неча марта, яна ҳам анкироғи ҳар баҳорда (8 март муносабати билан) такрорланарди. Аммо бирор марта «Менинг дадам» мавзусида қоғоз қоралаганимизни эсломлайман.

Нега? Рўзгор бутлиги юмушида эрта-ю кеч овора бўлиб, фарзандлар тарбиясига вақт тополмагани учунми? Балки биз фарзандлар оталаримизни қамдан-қам кўраётганимиз, улар билан жуда оз мулоқотда бўлаётганимиз учун оталаримиз сирли бир хилқатдай туюлар. Ёхтимол, улар ана шундай сирлиликлар учун азиз ва суюқлидирлар.

Шубҳасиз, тарбиянинг илк босқичи оилада шаклланади. Онанинг оқ сўти билан бошланадиган меҳр-оқибат, одамийлик ва бошқа-бошқа уюксак инсоний фазилатлар ҳақида соатлаб гапириш мумкин.

Оталар-ку? Оталаримиз, бизларга мардлик, жасурлик, метин ирода, меҳнатсеварлик, қисқаси эркак кишига ҳос барча фазилатларини сингдирувчи шахс ҳисобланади. Аммо кейинги пайларда бу сифатлар ҳам баъзи аёлларимиз зиммаларига тушиб қолаётганини сир эмас.

Оталаримиз баъзан шу қадар банд бўлибдики, ҳатто ўғилларининг ўқиши билан ҳам қизиқиб кўрмайдилар. Илм-даргоҳларидоги «ота-оналар мажлиси» бугун фақат оналар мажлисига айланиб қолаётганини тасдиқлайди.

Оилада ота тарбиясини олмаган

фарзандда (бу ерда гап фақат ўғил болалар ҳақида) юқорида тилга олинган фазилатлар қандай шаклланиши?

Яқинда хизмат юзасидан бир мактабга бордим. Гапни чўзмай, мени лол қолдирган бир ҳолатни айтиб қўя қолай.

Ўқитувчилар хонасида ўтказилган йиғилишда диққатимни бир нарсаси ўзига тортиди. Йиғилишда иштирок этаётган барча муаллимлар — муаллимлар эди. Тушунмадигиз-а? Ўқитувчиларнинг ҳаммаси аёллар эди демокиман. Ёхтимол, эркак ўқитувчилар иштирок этмагандир деб ўйладим. Шу боис, йиғилишдан сўнг мактаб директоридан (у ҳам аёл киши):

— Эркаклар нега қатнашишмади? — деб сўрадим.

Директор оламиз аввал ҳайрон бўлдилар. Сўнг бирдан қулиб:

— Ие, ҳали билмайсизми? Бизда эркак ўқитувчилар йўқ.

Ўхтимол, бу воқеага кўпчилик ишонмас. Аммо мактабларимизда эркак ўқитувчиларнинг озайиб кетиб қолгани бор гап. Балки олий билим юртини эндигина тамомаб ўқитувчилик қилаётган йиғиларимиз бордир. Бирок улар ҳам бу касбнинг машаққатларига дош беролмай, узоққа боролмаяпти.

ШАХСИЙ ЎРНАК

Телевиденининг «Ёшлар телеканалида» «Эркин фикр» кўрсатувларидан бири бевосита реклама фаолиятига бағишланди. Шунда республикадаги нуфузли ташкилот раҳбарининг ўринбосари (билмадим нега) аёллар ички кийимларининг реклама қилинишини ижобий баҳолаб гапирди. Муҳтарам ўринбосарнинг «эркин фикр»ларини бўғиш мақсадим йўқлигини айтган ҳолда ўзимнинг шахсий фикримни (бу ҳам эркин фикр) билдиришни

нинг ўғлимни ҳидламанг. Ўқитинг! — дермиш». Мен ўшанда отанинг ҳозиржавоблигиданим, бепарволигиданим ишқилиб мириқиб қулгандим. Энди эса бугунги мавзуга қўл ура туриб, шу латифа ёдимга тушиб ўтирибди.

«Тарғиботнинг энг яхши усули — шахсий ўрнак» деб ёзди «Америка миллатининг отаси» Бенжамен Франклин.

Энди ўзингиз ўйланг, озгина қийинчиликни рўқач қилиб, ўз севган касбидан воз кечган, қийсибди бозорда аёллар ички кийими савдоси билан шуғулланаётган «тадбиркор ота» ўз фарзандига қандай ўрнак кўрсатади?

Тасаввур қилинг. Шу отанинг бўй етиб қолган қизи дўгоналари билан бозорга тушиб, қутилмаганда отаси савдо қилаётган пештахта олдида чийиб қолди. Бундай вазиятда ҳар иккаласининг ҳам ҳолатини бир қўз олдингизга келтиринг. Юмшоқроқ қилиб айтганда оғир. Аммо даҳшатли ҳол бу. Бундай нарсаларнинг реклама қилинишини-ку, мен умуман ёқмайман. Баъзан телевизор кўриб ўтириб, шундай реклама бўлиб қолса, онам, сингилларим олдида уятдан ўзимни қўярга жой тополмайман. Эҳтимол, баъзи оилаларда бу оддий ҳолат қаби қабул қилинар. Аммо ўзбек оиласида...

Яна бир масала. Ўзбекларда меҳмон отандан улўф деган гап бор. Бу гапнинг замирида миллатимизнинг меҳмонга бўлган ҳурмати, бир сўз билан айтганда, меҳмондўстлиги ётади.

Хонадонлардан бирига меҳмон ташриф буюрди. Табиийки, меҳмоннинг ҳурматида дастурхон ёзилади. Сўнг қанд-курс, писта-бодом деганларидек. Хуллас, хонадон эгаси бор-будини азиз меҳмонга тортиқ этади. Бироқ энг асосийси ёддан кўтарилибди. Шунда ота ташаббусни қўлга олиб, ҳали мактабга қатнайдиган ўғлини четта чиқариб, қўлига бир сижим пул тутди. «Палончи акангизига чиқиб кел. Битта ароқ берворсин».

Бу ҳолингир бир-икки марта гувоҳи бўлган мурғак гўдақнинг онгидо «меҳмон келдим, демак мана шу «зорманда» бўлиши шарт» деган фикр бир умр муҳрланиб қолмайди деб ўйламасиз, ҳар қалай.

Ўхтимол, бу мисол ўқунга туюлар. Аммо унинг натижаси ҳақида ҳам бош қотириб кўрсак фойдадан холи бўлмасдик.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Бизда ёшг улўф, кекса отахонлар «оқсоқол» дея улўғланади. Уларнинг ҳаёт тажрибалари, доно ўғитлари, маслаҳатлари ёшларни тўғри йўлга бошлашда, турмуш муаммолари ечимини топишда ҳамма вақт асосқатиди.

Бир дўстим яхши ният билан дарвоза ёнидан кўчага қараган дўкон очди. Бироқ, негадир унда савдо қилишни бошламади. Кейин нима бўлди, дерсиз?

Бу дўконга ҳар кун оқ-қора соқолли отахонлар йиғилиб карта, шахмат ўйнайдиган одат чиқаришди. Нима бўлибди, кексалар йиғилишиб вақт ўтказишар экан-да дерсиз? Мен ҳам бошда шундай ўйловчидим. Аммо кейин ўйлаб қарасам, вақт ўтиши учун картабозлик қилишаркан. Ёшларга бунча «ибрат» кўрсатишни ҳам оқлаб бўлмас экан.

Хуллас, шунча гаплар. Янги асрга қадам қўяйямиз. Яхши ният билан янги асрининг илқийлини «Оналар ва болалар» йили деб номладик. Энди оталарнинг вазифаси икки қарра ошди, назаримда. Аслида-ку ўз оиласи ҳақида қайғуриш оталар учун янги вазифа эмас. Мухими, уни қай даражада урдалай олаймиз? Гап ана шунда. Бироз ҳазилча бўлса ҳам айтмай, орамизда баъзи оталар «Эркаклар йилини кутиб яшаётганидан хабарингиз борми?»

Жаҳонгир ШАРОФБОВ,
«Хуқуқ» муҳбири



Азиз ватандошлар!

Yangi yil bilan!

XXI АСРГА
ЁРУҒ ЮЗ ВА ЮКСАК
ОРЗУЛАР БИЛАН

Бутун инсоният сингари улуғ Ўзбекистон халқи ҳам ҳаяжонли кунларни бошидан кечирмоқда. Ҳадемай буюк воқеа ва кашфиётларга бой XX аср билан хайрлашиб, янги асрни зўр шодийна билан кутиб оламиз.

ЭЛЛИКҚАЛЪА
«ОЛТИН ТОЛАСИ»

ХИССАДОРЛИК

ЖАМИЯТИ,

«БЕРУНИЙ ПАХТА
ТОЗАЛАШ ЗАВОДИ»

ХИССАДОРЛИК

ЖАМИЯТИ ВА

«ТЎРТКЎЛ ПАХТА
ТОЗАЛАШ ЗАВОДИ»

ХИССАДОРЛИК

ЖАМИЯТИ

Улуғ ва унутилмас воқеа арафасида бутун Ўзбекистон халқиға табрик саломини йўллайди. XXI

аср ҳар бир инсон учун

б а х т -

и қ б о л ,

саодат ва

тараққи-

ёт асри

бўлсин!

ПРЕЗИДЕНТ НОБЕЛЬ ЛАУРЕАТИ

Яқинда Норвегия пойтахтидаги муқташам саройлардан бирида 2000 йилги Нобель мукофоти лауреати Жанубий Корея президенти Ким Дэ Чжунга ушбу нуфузли мукофотни топшириш маросими бўлиб ўтди. Тантанали маросимлар зали кечага тақлиф этилган юқори мартабали меҳмонлар билан лик тўлди ва улар асримизнинг энг тарихий воқеаларидан бирига гувоҳ бўлдилар.

Маълумки, деярли ярим аср давом этган жудодикдан сўнг корейс халқининг бирлашув жараёни бошланди. Бу борада ҳали қўзғалган натижаларга эришилмаган бўлса-да, илк ижобий қадамлар ташланди, дунё миқёсида муҳим глобал ўзгариш юз берди. Шимолий ва Жанубий давлатларда яшаётган корейсларнинг бирлашуви баъзи бир мамлакатларнинг ўзаро муносабатига ҳам илқ шабадаларни олиб кирди. Бу ишларнинг барчасида президент Ким Дэ Чжуннинг муносиб ҳиссаси бор. 75 ёшли президент шу йўлдаги савий-ҳаракатлари учун асримизнинг охириги йилида Нобель мукофотида сазовор бўлди.

Нобель кўмитаси раиси Гуннар Берге Ким Дэ Чжунга қилган мурожаатида «Тинчликни сақлаш йўлидаги биринчи қадамлар доимо жуда қийин кечган. Мазкур мукофот узоқ давом этадиган бу жараёнда Сизга маънавий мадад бўлишига ишонамиз», деб ишон билдирди ва у Корея президентини ўз мамлакатига ва Шарқий Осиёда инсон ҳуқуқлари учун энг толимас курашчи эканлигини алоҳида таъкидлади.

Тантанада сўз олган Ким Дэ Чжун жаноблари юксак аҳтиром учун мезбонларга чуккур миннатдорчилик билдирар экан, «Мен умримнинг охиригача бутун қуқувватимни мамлакатимда ва бутун дунёда инсон ҳуқуқларини химоя қилишга ва тинчликни мустаҳкамлашга ҳамда халқимни бирлаштиришга сарфлайман», деди.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР ҲАВАРАЛАР ШАРҲЛАР

ШВЕЙЦАРИЯЛИК ПРОКУРОРЛАР ТААЖЖУБДА



турасининг юқоридаги қарорга келишига қарамакдан, Mabetexга доир текширув ишлари давом эттирилишини маълум қилган.

Россия бош прокуратураси томонидан Mabetexга тааллуқли ишнинг ёпилганлиги маълум қилиниши Швейцария учун қутилмаган ҳол бўлди.

Женева бош прокурори Бернар Бертосса журналистларга берган интервьюсида «Россияда одил суднинг икки хил кўриниши мавжуд: бири — дўстлар учун, иккинчиси эса — мухолифат учун» дея таъкидлаган. Бош прокурор Россия прокуратурасининг юқоридаги қарорга келишига қарамакдан, Mabetexга доир текширув ишлари давом эттирилишини маълум қилган.

НОРВЕГИЯДА НАМОЙИШ

Ўтган душанба куни Норвегияда аэропорт диспетчерлик хизмати ходимларининг ялпи иш ташлаши бўлиб ўтди. Бир соат давом этган намоёиш қасаба уюшмаси томонидан уюштирилган ва норозилик қатнашчилари ҳукумат олдида йўловчи ташвиш ҳақи оширилиши талабини қўйганлар.

ПОЛИЦИЯГА ЧАП БЕРИБ...

Филиппин полицияси томонидан мана бир неча кундирки ELF нефть компаниясига қарашли бир неча миллион долларни ўзлаштирилганликда айбланаётган Франция фуқароси қидирилмоқда.

Бир вақтлар ELF компаниясида анча бообрў лавозимда ишлаган Альфред Сирвен исмли бу шахс 1997 йилдан буён француз полицияси томонидан қидирилаётган эди. Яқинда эса у Манила шаҳрида пайдо бўлган ва шу муносабат билан маҳаллий полиция уни қидиришга киришган. Филиппин полициясининг хабарига кўра, Сирвен 1997 йилдан буён Маниладаги ўзга шахснинг номига сотиб олинган виллада яшаб келаётган экан.

* Бирлашган Араб Амирликларида йўловчи самолётини олиб қочишнинг олди олинди. Дубай аэропорти ходимлари қарчилик йўловчилардан бирининг паспорти қалбаки эканлигини аниқлашиб, уни полицияга топширмоқчи бўладилар. Қоидабузар эса бунга қаршилиқ қилиб, қўлбола қурол ёрдамида самолётни эгаллашга уринган.

* Германия полицияси томонидан келиб чиқиши Украинадан бўлган шахс Берлиндаги гўзаллик салоҳида содир этилган портлашда гумон қилиниб қамолқа олинган.

Маълумки, Planet Neils салоҳида юз берган портлаш натижасида бир аёл ҳалок бўлган ва тўрт киши жароҳатланган эди. Полициянинг хабар беришича, суиқасд марҳуманинг турмуш ўртоғи томонидан содир этилган экан.

* Германия мудоффа вазир Рудольф Шарпинг Мисрга қилган расмий сафари чоғида мамлакат президенти Хусни Муборак билан учрашди ва Германия томони ҳарбий-техник соҳада мисрликлар билан ҳамкорлик ўрнатишга тайёр эканлигини билдирди.

* Испаниянинг Альхесриас денгиз портида божхоначилар томонидан мамлакатга ноқонуний йўл билан киришга уринган 187 нафар Африка қитъаси мамлакатлари фуқаролари қўлга олинган.

* Япония яқин беш йил ичида 2 та авианосец қуриш ниятида эканлигини маълум қилган. «Асахи» газетаси тарқатган хабарга кўра, сул сизими 20 минг тонна бўлган мазкур кемалар вертолётларни ташвишга мўлжалланган. Айни вақтда эса мамлакат ҳарбий денгиз қўлачи таркибидида 55 та қорабдан 5 тасини авианосецлар ташкил этади.

ИТАЛИЯДА МАФИЯ МУЗЕЙИ

Сицилиядаги Корлеоне қишлоғида — бутун дунёга машҳур мафиозлар оиласидан бирининг ватанида мафия тарихидан ҳикоя қилувчи музей ташкил этилди.

Корлеоне мэри Пиппо Киприани янги ташкилотни музей эмас, архив деб номлашни тақлиф этмоқда. Негаки, бу ердан мафия тарихига оид тўпланган барча ҳужжатларни, видеоплёнкарларни ва мафия фаолиятига дахлдор бошқа далилий ашёларни учратиш мумкин экан.

Музейнинг очилиш маросимида БМТ бош котиби Кофи Аннанининг иштирок этиши ҳам кўзда тутилмоқда. Музей раҳбариятининг фикрига кўра, келажакда бу ерда уюшган жиноятчиликка қарши курашишга доир йиллик конференциялар ўтказиб турилади.

ЗОБИТЛАР СУД ЗАЛИДА

Арманистонда бир гуруҳ юқори мансабли армия зобитлари устидан суд жараёни бошланди. Улар «Игла» русумидаги ҳаво ҳужумига қарши 19 та ракетани сотишга уринганликда айбланмоқдалар.

Ноқонуний юк арман-грузин чегарасида божхоначилар томонидан тўхтатиб қолинганди. Болгарияга жўнатилиши мўлжалланган ракета-ларнинг у ердаги харидори эса ҳамон аниқлангани йўқ.

ФАҲРГА ҲАМ ПУТУР ЕТМОҚДА

Япониянинг жанубида иккита йўловчи поезди тўқнашиб кетганлиги оқиба-тида бир киши ҳаётдан қўз юмди ва 30 га яқини жароҳатланди. Фуқуи полициясининг хабар беришича, ҳалокат содир бўлишида бир неча дақиқа олдин поездлардан бирининг машинисти тормоз тизимидаги носозлик тўғрисида диспетчерга маълум қилишга улгурган. Аммо белги-ланган жойда поезди тўхтатишнинг иложи бўлмаган ва у қарама-қарши томондан келаётган поезднинг йўлига ўтиб кетган ҳамда тўқнашув юз берган.

Шу нарсани айтиб ўтиш керакки, Японияда темирйўл ҳалокатлари жуда камдан-кам содир бўлади ва бу ҳам қун-чикар мамлакатининг ўзига хос фахри ҳисобланади. Охи-ри марта бу ерда поездлар тўқнашуви 9 ой муқаддам қайд этилган ва ушунда 5 йўловчи ҳалок бўлган эди.

ДАВОМЛИ МУЗОКАРАЛАР, НАТИЖАСИЗ УЧРАШУВЛАР

Мана, учинчи ойдирки, Яқин Шарқда давом этаётган қонли тўқнашув-лар ҳамон барҳам топгани йўқ. Бундан эса кўпроқ, ҳеч қандай жангвор қурол-аслаҳага эга бўлмаган фаластин-ликлар жабр чекмоқда-лар. Ўзаро низоларни бартараф этиш йўлида икки давлат раҳбарлари томонидан қилинётган савий-ҳаракатлардан эса бирон-бир наф чиқмаяп-ти. Шундай бўлса-да, томонлар музокара-лар столидаги учрашувлар-дан қўлларини ювиб қўлтиқларига урганлари-ча йўқ.

Исроил ташқи ишлар вазир Шломо Бен-Ами ўтган ҳафта якунида Фаластин ҳукумати вакиллари, жумладан делегация раҳбари Саеб Эрекат билан мулоқотда бўлди.

Шу нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, ҳар икка-ла томон ҳам Билл Клинтоннинг президент-лик муддати нихоясига етмасдан туриб, Яқин Шарқ муаммоси бораси-да маълум бир қарорга келиш истаги юқори эканлигини маълум қилмоқдалар. Билл Клинтоннинг ўзи ҳам президентлик вақолати тугагунга қадар Яқин Шарқда тинчликни ўрнатиш йўлида бутун имкониятларини ишга солишини билдирган.

Фаластин - Исроил томонлари тинчликка эришиш йўлида музока-ралар олиб бораётган аини кунларда ҳам Ҳазо минтақасидаги аҳвол ташвишлилигича қолмоқ-да.



СИРНИ ОШКОР ЭТМАЯПТИ

Гамбургда бундан тўрт йил муқаддам немис мағнатларидан бирининг ҳаётига суиқасд қилганликда айбланаётган фуқаро устидан суд жараёни давом этмоқда.

Айбланувчи — Томас Драк судда ўз айбига иқдор бўлиб, «тамаки қироли» — Ян Реемтсми ўғирлашда иштирок этгани-лигини тан олган.




ларга 13 миллион доллар тўланган эди. Операцияни муваф-фақиятли якунлаган жиноятчилар яширинишга улгуришади, немис полицияси эса уларни бутун дунё бўйлаб қидиришга киришади.

Ҳозирда 15 йиллик қамолқ жазосига маҳкум этилиши кўзда тутилётган Драк эса бу пуллар қаерда эканлигини ошкор этмаяпти.

Драк икки йил илгари Буюк Британия паспорти химоясида Аргентинада яшайётганида қамолқа олинган эди. Унинг ше-риклари Вольфганг Кошич, Питер Рихтер ва Питер Ласковлар ҳам полиция томонидан ушланиб, суд маҳкамасига топши-рилган.

«Тамаки қироли» Ян Реемтсмига катта миқдордаги мол-мулк унинг отасидан мерос бўлиб қолган эди. Жиноятчилар уни Гамбургдаги ўз уйидан ўғирлаган эдилар.

КРОССВОРД



Энига:

1. Чор Россияси бақсиниға қарши курашған қасоскор. 6. Урф. 10. Болалар учини яхши кўради. 11. Халифалардан бири. 12. Денгиз жонзоти. 13. Германия олий дивизионидаги футбол жамоаси. 14. Элчиҳона маслаҳатчиси. 16. Бош кийимининг зийнати. 17. ОАВнинг «нони». 19. Қўшиқ. 21. Муайян шахснинг жиноят содир этилган жойда бўлмаганлиғини исботловчи ҳолат. 25. Зикна-хасис доим... дейди. 26. Бедаво касаллик. 27. XIX асрда Хива хонлиғидаги юқори мансабдор. 29. Пачава. 31. Қисқа муддатли қарз шаклларидан бири. 35. Тиббий муассаса бўлими. 37. «Бобурнома»да тилга олинган шахар. 40. Тижоратда маҳсулотларни сотувчи қўйган шартларда сотиш ҳақида ёзма тақлиф. 41. Тана аъзоларидан бирининг ишламай қолиши. 43. Сабил сўзининг синоними.

Бўйига:

2. Қўтба. 3. «Уч илдиш» романи қаҳрамонларидан бири. 4. Ҳаво қатлами. 5. Мадина шахрининг қадимги номи. 7. Ишбилармон, савдогар. 8. Шарқнинг улғ алломаси. 9. «Кеча ва кундуз» романидаги образлардан бирининг лақаби. 11. Саломга... фарз. 12. Нишон, муқофот. 15. Мумтоз шеърят жанри. 18. Ҳийла. 20. Транспорт воситаси. 22. Кир-чир, ифлос. 23. «Шайтанат» романи бош қаҳрамонининг лақаби. 24. «Бахт қуши». 28. Америка ёзувчиси Драйзернинг исми. 30. Урта Осиёдаги эразмиздан аввалги давлат. 32. Спорт тури. 33. Мушук ишқибозларининг халқроқ уюшмаси. 34. Ёвуз. 36. Япониядаги шахар. 37. Ишни ўринлатмоқ. 38. Баҳо. 39. Жамиятнинг кичик бўлаги. 42. Нотадаги товуш ифодаси.

Газетанинг ўтган сониди берилган кроссворд жавоблари:

Бўйига: 1. Сеул. 2. «Дийнат». 3. Барлос. 4. Обид. 7. «Манас». 8. Аҳмад. 9. Эварс. 14. Манат. 15. Мазут. 17. Ари. 18. Арз. 21. «Санам». 23. Уюшма. 24. «Армон». 26. Бўсага. 27. Сандал. 29. Драп. 31. Ихро. Энига: 5. Бешик. 6. Калба. 10. Майл. 11. «Нихол». 12. Даво. 13. Шахмат. 15. «Семурғ». 17. Ада. 19. Анвар. 20. Раваз. 22. Куз. 25. Мақтуб. 27. Сатира. 28. «Файд». 30. Саман. 31. Имон. 32. Қарға. 33. Жайро.

ҚУТЛОВ

Ҳурматли Нодир Махмудов!

Таваллуд айёмингиз билан қутлаётганимиздан беҳад мамнунмиз. Муборак Рамазон кунларида сизга Аллоҳдан тани соғлиқ, узоқ умр, битмас-тузмамас бахт, хонадонингизда қут-баракат тилаймиз. Шу қутлуг кунларда юрагингизда неки тилагингиз бўлса, барчасининг ижобат бўлиши тилакдормиз. Доимо қувонч ва шодлик парвангиз бўлишини истаб қолувчи

ҳамкасбларингиз,
Тошкент шахри

ҚАҲ-ҚАҲ

Азизим, дунё нақадар ажойиб! Кунни кеча сенинг учинчи хотининг ва менинг иккинчи эрим биргаликда асал ойини сенинг иккинчи хотининг эрининг вилласида ўтказишга-ганини эшитиб қолдим.

Антропология музейида экскурсия пайти. Экскурсовод:

— Буюққа ўтинглар, марҳамат. Қаршингизда Пётр I нинг 15 ёшдаги бош суягини кўраёсиз. Юришда давом этамиз. Мана бу Пётр I нинг 13 ёшдаги бош суяги. Буниси эса ўлими олдидаги. Бир киши бунга қизиқиб қолиб, савол берди:

— Кечирасиз, бир одамнинг қандай қилиб учта бош суяги бўлиши мумкин?

— Сиз ўзингиз қайси гуруҳдансиз?

— Катталар гуруҳидан.

— Ўтинг, ўтинг. Бу экскурсия мактаб болалари учун мўлжалланган.

Билмасангиз...

Жаҳон банкининг маълумотларига кўра дунёда 1,1 млрд. киши сикрет чекади. 2025 йилга борж уларнинг соғи 2,6 млрд.га етгани мумкин.

Ривожланган давлатларда қашадалар соғи қамал-йиб бормоқда. Ўқитишда тағт мамлакатларда эса аксинча. Ҳар 10 та ўқининг биттасига тамаки сабабчи экан.

ФУТБОЛ

ИСРОИЛГА САФАР

ЎЗБЕКИСТОН миллий терма жамоаси Владимир Сальков раҳбарлигида 2001 йилнинг 4 январь кунини хориқ сафари — Исроилга йўл олади. Бу ерда мамлакатимиз вакиллари 17 январгача 3 та, шу жумладан Исроил терма жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказадилар.

Сафарга останаётган футболчиларимиз таркиби қуйидагича:

Дарвозабонлар — О. Бекалов («Навбахор»), П. Гизимчук («Насаф»), А. Галькин («Кимёгар»).

Ҳимоячилар — Б. Қамбаралиев, Б. Ашурматов, Ф. Давлетов, О. Собиров, В. Пономарёв (ҳаммаси «Дўстлик»), Х. Каримов («Навбахор»), А. Хостунов («Трактор»).

Ярим ҳимоячилар — Ш. Раҳмонқулов, Р. Ғофуров, Т. Мадраҳимов, Б. Сейткамолов (ҳаммаси «Навбахор»), С. Ни, О. Шомуродов («Нефтчи»), М. Ахмеров, Г. Шарипов («Пахтакор»), Б. Ҳайдаров («Насаф»), М. Қурбонов («Дўстлик»).

Ҳужумчилар — Ж. Ирисметов («Дўстлик»), А. Солиев («Навбахор»), Б. Хамидуллаев («Андижон»), З. Холмуродов («Насаф»), У. Исоқов («Нефтчи»), Э. Қосимов («Семурғ»), В. Шишелов («Бухоро»), В. Баранов («Пахтакор»).

ЎЗБЕКИСТОН
КУБОГИ - 2001/01

1/8 ФИНАЛ. 25 МАРТ

«Дўстлик» - «Хоразм»
«Сўғдиёна» - «Сурхон»
«Темирйўли» - «Нефтчи»
«Машъал» - «Қизилқум»
«Пахтакор» - «Самарқанд - Д»
«Насаф» - «Навбахор»
«Трактор» - «Бухоро»
«Андижон» - «Металлург»

1/4 ФИНАЛ. 11 МАЙ
ЯРИМ ФИНАЛЛАР

Биринчи учрашув — 2 июнь.
Жавоб учрашуви — 16 июнь.

ФИНАЛ. 27 ИЮНЬ

МИРЖАЛОП ЭНГ ЗҶР ҲҲНЧҲ

«Қрилья Советов» клуби Интернет тармоғидаги ўзининг махсус сайтида Самаранинг ўтган мавсумдаги энг яхши футболчиси аниқлаш юзасидан танлов эълон қилди. Овозлар натижаларига кўра жамоадаги асосий «ракиби» А. Бородински ортда қолдирган ҳамюртимиз Миржалоп Қосимов 271 овоз билан голибликни қўлга киритди.

ЮЛАУЛАР ҲАЕТИ

«АГАР ЗИДАН
БЎЛМАГАНИДА...»

Газетамизнинг ўтган сониди «World Soccer» журнали томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра «Реал» клуби ҳужумчиси Луиш Фигу 2000 йилнинг энг яхши ўйинчиси деб топилганлиги хусусида хабар қилган эдик. Сир эмаски, бу борадаги баҳс-мунозаралар узоқ давом этди. Ниҳоят, ўтган ҳафтанинг душанба кунини бўлиб ўтган ФИФАнинг махсус йиғилишида бу масалага ойдинлик киритилди. Ушбу нуфузли ташкилот пўнига етайтган йилнинг энг яхши футболчиси деган номга 1998 йилда ҳам бу шарафга сазовор бўлган «Ювентус» ва Франция терма жамоаларининг ҳужумчиси Зайниддин Зидани лойиқ деб топди.

ЙИЛНИНГ энг яхши футболчиси аниқлаш мақсадида ФИФА томонидан ўтказилган сўровларда 150 та миллий терма жамоанинг мураббийлари иштирок этди. Якуний овозларга кўра Зидан 370, Фигу 329 ва Ривалдо 263 очко жағмаришга муваффақ бўлди. Тўртинчи ва бешинчи ўринлар эса Габриэль Батистута ҳамда Андрей Шевченколарга насиб этди.

Болалиқда муҳтожлик ва камбағаллик азиятларини чеккан жуда кўп одамлар вақти келиб, беҳисоб мол-дунё соҳибига айланган, номлари дунёга дoston бўлган. Бу ҳақиқатни бугунги кунда яшил майдонларнинг қироли сифатида эътироф этилаётган 28 ёшли Зайниддин Зиданнинг ҳаёти мисолида ҳам кўриш мумкин. Марселнинг камбағаллар ашайидиган Ла Стелла мазеесида туғилиб, минглаб яланғок тенкурлар қатори вояга етган жазоирлик қашшоқ муҳожирнинг ўғлини ҳозирда Франция ёшлари ўзларининг идеали, деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, Зидан бугунги кунда мамлакатдаги энг машҳур киши сифатида эътироф этилмоқда.

Кўплаб телевизион ток-шоуларнинг доимий меҳмони ва Кристиан Диор уйининг топ-моделига айланган Зидан 16 ёшида «Канн» жамоасига қабул қилинади. 1992 йилда эса «Бордо» клубига ўтади. Орадан икки йил ўтгач, уни ёшлар термаси сафига қўшишди, яна икки йил ўтиб, у Франция терма жамоаси таркибиди биринчи маротаба майдонга тушади ва чеклар билан ўтказилган учрашувда олз тўпини киритади.

Яшил майдонларда чиройли ўйинлар кўрсатаётган Зайниддин тез орада футбол мутахассислари назарига тушади. Испания ва италиялик мураббийлар унинг баҳоси билан қизиқиб кўрадилар. Кўп ўтмай, «Ювен-

тус» жамоаси 5 млн. доллар эвазига Зидани «Сотти» олади.

1996 йилларда ФИФА сўрови натижаларига кўра Зидан энг яхши футболчилар рўйхатида иккинчи ўринни эгаллайди ва ушбу йилларда улукни Роналдо илиб кетади.

Франция терма жамоасининг собиқ бош мураббийи Эме Жаке шогирди ҳақида гапира туриб, «агар Зидан бўлмаганида, бизнинг жамоамиз ҳам бошқача бўларди» дея алоҳида таъкидлаган эди.

Бугунги кунда Зидан мамлакатда шу қадар машҳур бўлиб кетганига, бунини тасаввур этишининг ўзи бўлмайди. У 1998 йилги чемпионатда бразилияликлар дарвозасига иккита тўп киритиб, Францияни чемпион қилганди. Эртаси кун эса Марсел шахрининг марказий майдонидида кўп қаватли уйлардан бирида унинг салкам бинининг бутун бўйини эгаллаган сурати бўй кўрсатди.

Яқинда шахар мэри буйруғи билан футболчининг бахайбат портрети олиб ташланадиган бўлди. Аммо минглаб футбол кўшиқбозлари намойишга чиқиб, бунга йўл қўймадилар ва мэз жаноблар қароридан воз кечишга мажбур бўлди.

Ана шунақа, Зидан бугун мамлакатда шу қадар улугланмоқда. Бундай бахт эса қамдан-қам спортчиларга насиб этади.

Д. ҲАЙИТОВ

ПАНЖАРА ОРТИДА

МАҲКУМЛАР МАЛИКАСИ

Перм шахридаги аёллар колонияларидан бирида «Галатея - 2000. Аёл мўйжизаси» деб номланган гўзаллик танлови ўтказилди.

ТАНЛОВ ташкилотчилари колонияда жазо муддатини ўтаётган 1100 нафар хотин-қиздан атиги 10 тасига кўриқда қатнашиш ҳуқуқини берди. Танловга ҳомийлар ҳам топила қолди ва «малика» унвонига номзодлар уларнинг шарофати билан хорижда тайёрланган сунгги урфдаги кийим-кечакларга эга бўлдилар.

Кўрик ўтказилган кун колонияда ҳақиқий байрам бўлди. Тадбирлар зали одамлар билан лиқ тўлди. Саҳнада эса иштирокчилар ўзлари танлаган мусиқа садолари остида маҳоратларини намойиш этдилар. Улар фақатгина қоматларини намойиш этиш, рақс ва қўшиқлар ижро этиш билангина чекланиб қолмадилар. Балки, бошларидан ўтган турли аччиқ-чучук воқеаларни сўзлаб бериш билан ҳам мухлислари қалбидан жой олишга интилдилар.

«Галатея - 2000. Аёл мўйжизаси» танловининг голиби деган номга эса ўз дугонасининг зўрпанишида иштирок этганлиги учун жазога маҳкум этилган Маша Мотина сазовор бўлди.

